Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 29 июль, шанба. №91 (21.854.) Сотувда эркин нархда.

Виктор ЧЕРНОМИРДИН:

«ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР КИШИНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИ»





СУРАТЛАРДА: яккама-якка суҳбат ва ҳужжатларни имзолаш пайти.

С. ЗУФАРОВ ва Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

27 июль куни эрталаб Ўзбекистон Президентининг Дўрмондаги қароргоҳида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Ҳукумат Раиси Виктор Черномирдин ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди.

Ушбу учрашувдан сўнг Виктор Черномирдин Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги миллий боғга ташриф буюриб, буюк шоирга эҳтиром билдирди. Унинг ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Шу куни пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Ҳукумат Раиси Виктор Черномирдин раҳбарлигидаги икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон раҳбари мамлакатимиз Россия билан азалий дўстлик ва ҳамкорлик анъаналарини тараққий эттириш тарафдори эканини таъкидлади.

— Биз Россияни буюк мамлакат, азалий ва ишончли ҳамкор, Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорлик кафили деб биламиз, — деди, жумладан Ислом Каримов. — Ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мамлакатларимиз халқларининг ўтиш даври қийинчиликларини тезроқ енгишга кўмаклашади ҳамда улар учун фаровон турмуш шароитлари яратишга хизмат қилади.

Музокаралар чоғида илгари имзоланган ҳужжатларда белгиланган ишларнинг қай даражада амалга оширилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Икки томон учун ҳам манфаатли бўлган кўпгина соҳаларда ҳамкорлик юзасидан талай тадбирлар белгиланди.

— Россия ҳукумати Ўзбекистон билан алоқаларга биринчи даражали аҳамият беради, — деди Россия Федерацияси Ҳукумат Раиси Виктор Черномирдин. — Биз мамлакатларимиз ўртасида шаклланган хўжалик алоқаларини тиклабгина қолмай, иқтисодий, сиёсий, маданий соҳадаги муносабатларни янги асосда тараққий эттиришга интилмоқдамиз.

Расмий делегация аъзоларининг ўзаро мулоқоти чоғида икки томонлама, МДҲ ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, бир қанча халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан атрофлича фикрлашиб олинди.

Музокаралар ниҳоясида Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш ва кенгайтириш тўғрисидаги Меморандумни, 1996—1997 йилларда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўналишлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни имзоладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон раҳбари ва Россия Ҳукумати Раиси журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда музокараларнинг ниҳоятда самарали ва сермаҳсул бўлгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат ҳамкорлигини янги поғонага кўтаришга хизмат қилувчи ҳужжатлар имзоланди. Россия ва Ўзбекистон Марказий банклари ўртасида икки мамлакат миллий валюталарининг эркин айланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги, олий таълим, жиноятчиликка қарши кураш, Россия-Ўзбекистон тўқимачилик холдингини барпо этиш, халқаро радиоастрономик обсерваторияни ташкил қилиш, икки давлат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Мамлакатларимиз корхоналари ўртасида шаклланган алоқаларни янги асосда тиклаш иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим омилларидандир. Шу боис музокаралар чоғида ҳамкорликнинг истиқболли соҳаларида молия-саноат гуруҳларини тузиш масаласини ўрганадиган ишчи комиссиясини ташкил этишга қарор қилинди. Самолётсозлик, тўқимачилик, нефть ва газ саноати соҳасида фаолият юритаётган корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли асосда ташкил этиладиган молия-саноат гуруҳлари тузилиши ҳар икки мамлакатдаги талай иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Журналистлар икки мамлакат ўртасида қабул қилинган ҳужжатларда нега узоқ давр эмас, яқин йиллар кўрсатилгани билан қизиқдилар. Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин одатда узоқ йиллик ҳамкорлик қайд этилган ҳужжатларда белгиланган тадбирлар кўпроқ қоғозда қолиб кетиши кузатилганини, шу боис қабул қилинган ҳужжатларда аниқ муддат ва амалиш мумкин.

Россия ҳукумати раҳбари Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар жараёнига юксак баҳо берди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш йўлида талай ишлар амалга оширилди. Юртимизда айни пайтда беш миллиондан зиёд киши нодавлат секторида иш билан бандлиги, қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштирилаётган маҳсулотнинг 90 фоизи шу секторда етиштирилаётгани, савдонинг 90 фоизи хусусийлашгани, қурилиш ишларининг 39 фоизи ана шу нодавлат секторидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Нодавлат сектори корхоналари айни пайтда мамлакатимиз умумий миллий маҳсулотининг 37 фоизини етказиб бермоқда. Россия билан Ўзбекистон ҳамкорлиги бу соҳада эришилаётган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Журналистлар Ўзбекистон давлати раҳбари ва Россия ҳукумати Раисининг Афғонистон ва Тожикистондаги муаммоларни бартараф этиш хусусидаги фикрлари билан қизиқишди. Бу борада ҳам томонлар якдиллиги намоён бўлди. Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин Тожикистон муаммоси мухолиф томонларнинг тинч музокаралари йўли билан ўзаро ён беришлар натижасида ҳал бўлиши мумкинлигини, бу ўринда Тожикистон ҳукумати қуруқ баёнотдан амалий ишга ўтиши, мухолиф кучлар эса ҳукуматга ультиматум тарздаги шартлар қўйишдан воз кечиши даркорлигини таъкидладилар.

Шу куни Россия ҳукумати Раиси В. Черномирдин Тошкентдаги В. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ташриф буюриб, корхона фаолияти билан танишди.

* **

Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Виктор Черномирдиннинг мамлакатимизга расмий сафари ниҳоятда самарали ўтди.

Ташриф ниҳоясида 28 июлда Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлди. Шу куни Россия Федерацияси ҳукумати раҳбари Виктор Черномирдин Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

В. Черномирдиннинг кўҳна ва навқирон Самарқанд билан танишуви буюк мунажжим, олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг муҳташам ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди. Меҳмонлар Улуғбек қурдирган расадхонани ҳам томоша қилдилар. Россиялик меҳмонларнинг бу зиёратгоҳга келиши бежиз эмасди. Чунки, ҳукуматларимиз ўртасида халқаро радиоастрономик станцияни ташкил этиш борасида имзоланган ҳужжат бобокалонимиз неча асрлар илгари бошлаб берган ишнинг хайрли давомидир.

Меҳмонлар Мирзо Улуғбек ҳаёти, фаолияти ва илмий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи музейни зўр қизиқиш билан кўздан кечирдилар.

Россия ҳукумат раҳбари шаҳардаги Сиёб бозорида бўлиб, бу ердаги мўл-кўлчиликдан ҳайратини яширолмади. У Рўдакий майдонида тарихий ва замонавий меъморчилик услубида барпо этилаётган биноларни томоша қилди.

Меҳмонлар Регистон ансамблини зиёрат қилдилар.

— Самарқанддаги, қолаверса, бутун Ўзбекистондаги ўзгаришлар сурати кишини ҳайратга солади, — деди В. Черномирдин. — Ўзбекистон ўзининг ҳақиқий ва тўғри йўлини топиб олди.

Россия Бош вазири В. Черномирдин ва делегация аъзолари «Гўри Амир» мақбараси, янги ишга тушган Самарқанд темирйўл вокзали ва «Шарқлифт» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида бўлдилар.

Шу куни Виктор Черномирдин ва унинг ҳамроҳлари Самарқанддан Москвага жўнаб кетди.

Самарқанд аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, вилоят ҳокими Пўлат Абдураҳмонов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди.

(ЎзА).



СУРАТДА: Самарқанддаги архитектура ёдгорликлари билан танишув.

Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Она-Ватан хазинасига 175 минг тонна дон топшириб, йиллик режани шараф билан уддалаганларингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сирдарёнинг беҳудуд серҳосил заминида мардонавор меҳнатингиз билан мўл ҳосил етиштириб, мамлакатимизда ғалла мустақиллигини таъминлашда ўзларингизнинг муносиб ҳиссаларингизни қўшдингизлар. Бу эзгу саъй-ҳаракатингизнинг самараси натижасида дастурхонимиз файзи ва баракаси бўлган нонимиз ҳамиша бус-бутун бўлғай!

Ишончим комилки, азиз биродарлар сизлар мустақиллигимизнинг тўртинчи йилида ҳам халқ хўжалигининг барча соҳаларида улкан муваффақиятларни қўлга киритасизлар. Бу борада барчангизга сиҳат-саломатлик, омонлик, бахту саодат ҳамиша ёр бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

СИРДАРЁ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Сирдарё вилояти ғаллакорлари катта зафар қучдилар. Давлат хирмонига 175 минг тонна сара дон тўкилди. Суғориладиган ерларда ҳосилдорлик гектар бошига 27,1 центнерни ташкил этди. Бу — ўтган йилдагига қараганда салкам 5 центнер кўпдир. Ғалабага Оқолтин, Боёвут, Сайхунобод, Сирдарё, Мирзаобод туманлари меҳнат аҳли салмоқли ҳисса қўшди.

Ғаллакорлар етиштирилган барча ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиб, ялпи хирмонни 220 минг тоннага етказиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

(ЎзА).

ҚЎШМА АХБОРОТ

Россия Федерацияси ҳукумати Раиси В.С. Черномирдин 1995 йил 26-28 июль кунлари расмий ташриф билан Тошкентда бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов билан учрашув ва музокаралар чоғида кўп муаммолар бўйича қизиқиш билан чуқур фикр алмашилди. Томонлар бир-бирини ўз мамлакатларида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва демократик янгиланишлар жараёни билан таништириб, икки томонлама муносабатларни МДҲ доирасида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик масалаларини батафсил муҳокама қилдилар. Айрим халқаро масалалар, жумладан Марказий Осиё минтақасидаги вазият ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Россиянинг 1992 йил 30 майдаги Давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома қоидаларига мувофиқ ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик ва яқин шериқчиликни ривожлантириш борасидаги йўли қатъий экани тасдиқланди. Бу йўл иккала мамлакат халқларининг туб ва узоқ муддатли манфаатларига мос экани, тинчлик, барқарорлик ва минтақавий хавфсизликка хизмат қилишига ишонч таъкидланди.

1994 йил март ойида Москвада олий даражадаги учрашувда эришилган аҳдномаларни амалга ошириш масалалари батафсил қараб чиқилди. Томонлар биргаликда қилинган амалий ишлар иккала мамлакат ўртасидаги дустона муносабатларни, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашганини мамнуният билан қайд этдилар. Шу билан бирга, иккала томонда ҳам мавжуд бўлган ўзаро ҳамкорлик имкониятларидан ҳали тўла фойдаланилмаётгани таъкидланди. Икки томонлама алоқаларни бутунлай янги босқичга кўтаришга имкон берадиган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Шу уринда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар икки томонлама муносабатларда иқтисодий иттифоқ тузиш ҳақидаги шартнома қоидаларини амалга ошириш, умумий иқтисодий маконни барпо қилишни тезлаштириш, иккала мамлакатда иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришда давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим эканини таъкидлаб, иқтисодий ва савдо муносабатларини ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш, интеграция жараёнларига кўмаклашиш, ўзаро савдо-сотиқ йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ва ҳамкорликда ҳўжалик юритиш учун мақбул ҳуқуқий режим барпо қилиш истагини билдирдилар.

Ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқаларнинг имкон қадар кўпроқ тикланиши, кооперациянинг сақлаб қолиниши ва ривожлантирилиши, қўшма корхоналар, молия-саноат гуруҳларининг барпо этилиши ва уларнинг фаолият кўрсатиши иккала давлат ва уларнинг фуқаролари манфаатларига тўла мос келиши қайд этилди. Ўзбекистон ва Россия ҳўжалик субъектлари ўртасидаги бевосита алоқаларни мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, ўзаро товар етказиб бериш ҳажмини ошириш мақсадга мувофиқ экани эътироф этилди.

Савдо-иқтисодий муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида томонлар 1996—1997 йилларда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўналишлари, «Илюшин» транснационал молия-саноат қўшма гуруҳини барпо этиш, Россия рубли ва Ўзбекистон сўмининг ўзаро алмаштирилиши ва уларнинг қийматини барқарорлаштиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида ҳукуматлараро битимларни имзоладилар.

Ўзбекистон томонининг Беларус, Қозоғистон ва Россия ўртасида тузилган бож иттифоқига қўшилишга тайёр эканини изҳор этгани билан боғлиқ масалалар қараб чиқилди. Томонлар иккала мамлакат вазирлик ва идораларининг масъул вакилларидан иборат ишчи гуруҳи доирасида бу масалани фаоллик билан ўрганишни давом эттиришга келишиб олдилар.

Ҳарбий ҳамкорлик масалаларини муҳокама этиш чоғида томонлар 1992 йил 15 майдаги коллектив хавфсизлик ҳақидаги шартноманинг муҳим аҳамиятини таъкидлаб, шу асосда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги коллектив хавфсизлиги тизимини барпо этиш фикрини баён қилдилар. Томонлар ҳарбий-техник ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олдилар.

Музокараларда илмий, техник, маданий ва ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришни янада чуқурлаштириш, иккала мамлакат ҳуқукни муҳофаза қилиш органларининг ҳамкорлик қилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар олий таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш, илмий-техник ҳамкорлик, «Супа» халқаро радиоастрономик обсерваториясини ташкил этиш, жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида ҳукуматлараро битимларни имзоладилар.

Иккала мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури имзоланди.

Минтақадаги вазиятни муҳокама қилиш чоғида томонлар Ўзбекистон ва Россиянинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъмин этиш мақсадида ҳамкорликни ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришни бундан буён ҳам давом эттириш истагини таъкидладилар. Шу муносабат билан Тожикистондаги можарони сиёсий йўл билан тезроқ бартараф этиш, бу мамлакатда тинчлик, барқарорлик ва миллий тотувликка эришишга қаратилган биргаликдаги яқин ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Томонлар сентябрь ойида Тошкентда ўтадиган Марказий Осиёда ҳамкорлик ва хавфсизлик масалалари бўйича семинар-кенгашнинг аҳамиятини қайд этдилар.

Ташриф самимий, амалий вазиятда ўтди. Томонлар унинг натижаларидан мамнун эканликларини, бу учрашув иккала мамлакат ва халқлар ўртасидаги анъанавий дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишончини баён этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

Биз, Ўзбекистон банклари ассоциациясининг таъсис қурултойи қатнашчилари сизга, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, йўллаган табригингиз ва билдирган яхши тилакларингиз учун самимий миннатдорлик изҳор этамиз.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг тузилиши сизнинг Олий Мажлис биринчи сессиясида Ўзбекистоннинг банк, молия, кредит тизимини жаҳон даражасига етказиш юзасидан қўйган вазифангизни бажариш йўлидаги муҳим қадамдир. Шу мақсадда биз Ўзбекистон банк тизимини ривожлантириш программасини ишлаб чиқдик ва тасдиқладик, унда банк кадрлари тайёрлашни тубдан такомиллаштириш, банк инфраструктурасини ривожлантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, компьютерлаштириш ва банкларараро телекоммуникация тизимининг янги ютуқларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Маълумки, бозор ислоҳотларининг муваффақияти кўп жиҳатдан банк тизимининг миллий иқтисодиётни барқарор ва жадал ривожлантиришни таъминлашда, унинг тузилмасини қайта қуришда, ишлаб чиқаришни оптималлаштириш ва бошқа устивор вазифаларни бажаришда етакчи кучлардан бирига айланишига боғлиқ. Ўзбекистон банклари ассоциациясининг бутун куч-гайрати ана шу мақсадларга эришиш учун сафарбар этилади.

Сизни ишонтириб айтамизки, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистон банкчилари келажаги буюк давлат — севимли Ватанимизнинг гуллаб-яшнаган иқтисодиётини бунёд этиш йўлида бор куч-гайратларини сарфлайверадилар.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ДЕЛЕГАТЛАРИ.

ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ

28 июль куни пойтахтдаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон банклари ассоциациясининг таъсис қурултойи бўлди. Унда республика тижорат банкларидан 600 нафарга яқин делегат, халқаро молия ташкилотлари ҳамда хорижий банкларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари қатнашди.

Анжуманни республика Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов очди ва мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг қурултой қатнашчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Юртбошимизнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясида сўзлаган нутқида, яқинда чоп этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида барча соҳалардаги каби банк тизимига ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди. Ислоҳотнинг дастлабки босқичида банк тизими соҳасида бир қанча ибратли ишлар амалга оширилган эсада, бозор иқтисодиётининг иккинчи босқичига ўтиш палласида бу жабҳада ҳам муаммолар йўқ эмас. Ушбу муаммоларни ҳал этмай туриб ислоҳотларнинг янги погонасида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини тугал шакллантириш, жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашиш мумкин эмас. Республика ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов «Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришда жаҳон даражасига эришиш — иқтисодий ислоҳот ҳозирги босқичининг муҳим вазифаси» мавзуида қилган маърузасида ана шулар ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг Низоми ҳамда «Ўзбекистон банк тизимини жадал ривожлантириш комплекс дастури» тасдиқланди.

Анжуманда ташкилий масала кўрилди. Р. Азимов Ўзбекистон банклари ассоциацияси кенгаши раиси этиб сайланди.

Қурултой қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Мурожаатнома қабул қилдилар.

Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бюджет, банк ва молия масалалари қумитасининг раиси А. Аҳадов иштирок этди.

Таъсис қурултойи сўнгида маҳаллий ва хорижлик журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказилди.

* **

Шу куни янги таъсис этилган Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан Европа тикланиш ва тараққиет банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Уни ассоциация кенгаши раиси Р. Азимов ҳамда Европа тикланиш ва тараққиет банкининг биринчи вице-президенти Р. Фриман имзолади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов, Марказий банк раиси Ф. Муллажонов қатнашди.

(ЎзА).

ИШ БИЛГАНГА ИМКОН БЕРИЛСА...

— Аъзоларимиз орасида тадбиркорлар, фермерлар бор, — дейди Ўзбекистон ХДП Ғузор тумани кенгашининг биринчи котиби Абдурайим Абдуллаев. — Масалан, Боймурод Болтаевни олайлик...

Биринчи котиб шу тариқа фермер ютуғи ҳақида гапира кетди. Биз эса унинг ўзини кўриб, ишлари юзасидан суҳбатлашмоқчи бўлдик. Учрашдик ҳам.

— Илгари хўжаликда бригадир, бўлим бошлиғи бўлиб ишлаганман, — дея гап бошлади у. — 1991 йилда ХДП сафига ўтдим. Шу йил ўзимизни «Тоҳир ва Зуҳра» жамоа ширкат хўжалигида ички фермер бўлиб иш бошладим. Ишнинг дастлабки йўналишларида ўрганган билимларим қўл келди. Лекин, тўғрисини айтишим керак: ҳақимизга «шерик»лар кўп. Юртбошимизнинг кейинги чиқарган фармон ва қарорлари бизларга катта имконият яратди. Ҳозир тамомила мустақил фермерман.

— Илгари хўжалик ичкарисида фермер эдим, энди мустақилман, деяпсиз. Бунинг фарқи нимада?

— Фарқи ниҳоятда катта: биринчидан, аввал ҳисобимда пул йўқ эди. Тушган пулнинг ярмини хўжалик оларди. Ҳозир эса тамомила бошқача... Лекин бунинг акси ўлароқ, зарарини ҳам ўзимиз қоплаяпмиз. Яна аниқроғи, хўжаликдан трактор олиб келиб ишлатсам ҳам ёки бошқа юмушларга ҳам ёнимдан харажат қиламан.

— Ишингизни нақадар машаққатли эканлигини биламиз. Лекин манфаатдорлик, рўзғор дегандай...

— Халқимизда «Меҳнатдан келса бойлик—турмуш бўлар чиройлик», — деган гап бор. Сут, қатиқ, гўшт ўзимиздан чиқади. Рўзғор учун ҳар йили полиз, сабзавот маҳсулотлари етиштирамиз. Яхши еймиз, яхши киямиз. Бунинг замирида меҳнат ётади.

— Ёрдамчиларингиз кимлар?

— Хўжаликни оила аъзоларим кўмагида юргизяпман. Ўғилларим Баҳром, Алламурод, Хушвақт, Давлат мен билан доим далада. Ҳозир бир неча юзлаб молларга мўлжалланган молхона қуриш ташвишидамиз. Турмуш ўртоғим ва келинларим сигир соғиш ва бошқа майда ишларга кўмакдош.

— ХДП аъзоси сифатида партия ташкилотлари ҳукумат сиёсати—иқтисодий ислоҳотларни кенг жорий этишда қандай ҳисса қўшяптилар, деб ўйлайсиз?

— Менинг фикримча, бу борадаги партия ташкилотларининг фаолияти қониқарли. Фикримнинг асоси сифатида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, қолаверса, туман кенгаши томонидан ислоҳотларга оид йиғинлар, назарий машғулотлар уюштирилмоқда.

Шундай машғулотларнинг биттаси яқинда туманимизда тадбиркор фермерларга назарий билим ва амалий ёрдам бериш мақсадида ўтказилди. Шахсан мен маърузачиларнинг фикр-мулоҳазаларидан қониқдим. Ўз ҳақ-ҳуқуқимни янада батафсил англадим.

Суҳбатимиз асносида шу нарсага амин бўлдикки, агар имконият яратиб берилса, фермер жон куйдириб меҳнат қилади. Кўпгина фермерларни молларнинг насли, техника муаммолари қийнаб қўйган.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Партия ва ҳаёт

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши ижроия бюросида Қўнғирот туман партия кенгашининг Миллий истиқлол мафкураси қандай амалга ошираётганлиги масаласи муҳокама қилинди.

Туман партия кенгаши туман ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида Миллий истиқлол мафкураси йўналишларидан келиб чиққан ҳолда суҳбатлар, фикр алмашувлар, партия ўқувлари, очиқ партия йиғилишлари ўтказмоқда.

ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Жомбойда партия билетларини расмийлаштириш ҳамда топшириш масалаларига бағишланган шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котиблари, партия билети сектори мудирлари иштирокида семинар-кенгаш бўлди. Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашининг иккинчи котиби Б. Буронов маъруза қилди.

Жомбой туман ҳокимининг ўринбосари Ж. Буронов, туман партия кенгашининг биринчи котиби С. Икромов ўзаро ҳамкорлик самаралари ҳамда партия аъзолари сафини кенгайтириш юзасидан маъруза қилдилар.

Анжуман қатнашчилари 2507-автокарвон, Деҳқонобод қўрғонидаги амбулатория, «Ёшлар уйи», «Деҳқонобод» маҳалласи бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан танишдилар. «Самтекс» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасини бориб кўрдилар. Учрашув чоғида вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Р. Облаёров партия сафига қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга партия билетларини топширди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Партия ва ҳаёт

ЎЗ ҲОЛИГА ТАШЛАБ ҚЎЙИЛГАН

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, овул оқсоқоллари, ўқитувчилар, маданият ходимлари билан ҳамкорликда ишлашга партия ташкилотлари алоҳида эътибор бермоқдалар.

Овул оқсоқолларининг ҳаммаси партия аъзоси. Кейинги бир ярим йилда 70 дан кўпроқ ўқитувчи партия аъзолигига қабул қилинди. Туман ва шаҳар маданият бўлимларида бошланғич партия ташкилотлари тузилди. Улар Миллий истиқлол мафкурасини аҳоли онгига сингдиришда фаол қатнашмоқдалар.

Қурилиш материалларининг ҳаддан ташқари танқислигига қарамасдан икки жойда бозор павильони, ҳаммом, сузиш ҳавзаси, 150 киши қабул қиладиган поликлиника, 60 ўринли болалар касалхонаси, 320 ўринли спорт мажмуи, дорихоналар, шунингдек кўплаб турар жойлар ишга туширилди. Шу кунга келиб овул аҳолисининг 97 фоизи табиий газдан, 66 фоизи водопровод сувидан баҳраманд бўлмоқда. Давлат корхоналарини хусусийлаштириш, фермер-деҳқон хўжаликлари, кичик корхоналар тузиш, цех ташкил этиш, кам таъминланганларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш каби ишлар яхши йўлга қўйилган.

Шу билан бир қаторда туман партия кенгаши ишларида камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Туман партия кенгаши, унинг ижроия бюроси, айрим партия ташкилотлари кейинги пайтда мафкуравий ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйган. Партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари мақсадга мувофиқ асосий йўналишлар ололмаётганлиги республика партия кенгаши ижроия бюросида алоҳида танқид қилинди.

Эндиги асосий вазифа республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг рисолалари, Фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон республика Жўқорғи Кенгеси сессиялари материалларини тарғиб-ташвиқ қилишни кенг кўламда олиб бориш. Шу каби долзарб вазифаларга ижроия бюрода алоҳида тўхтаб ўтилди.

Ижроия бюрода ташкилий масала ҳам кўрилди. Қорақалпоғистон республика партия кенгашининг матбуот маркази мудири, «Қорақалпоғистон овози» газетаси муҳаррири Алписбой Ибодуллаев Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши мафкура бўлими мудири этиб тасдиқланди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Нуротадаги «Ғозғонмармар» ҳиссадорлик жамияти жамоаси айни кунларда мармар қазиб чиқариш борасида бирмунча ютуқларга эришмоқда. Улар кўпгина муаммоларини ўз кучлари билан ҳал этишга ҳаракат қилишаётир. Умуман, корхона маҳсулотларини Марказий Осиё мамлакатларида кўпгина корхоналар, республикамизнинг 50 га яқин корхонаси харид қилмоқда. Ҳозирги кунда мармар қазиб олишнинг янги усули жорий этилган. Шу боис ҳам карьерлардан портлатиш йўли билан мармар қазиб олишга чек қўйилди. Бу билан атроф-муҳит тозалигини таъминлашга эришилди, қазиб олинаётган мармар тошлар сифати яхшиланди.

Ҳозир «Ғозғонмармар» ҳиссадорлик жамиятига қарашли қайта ишлаш корхонаси ойига 1600-1700 квадарт метр силлиқланган мармар ишлаб чиқармоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Тош кесувчи Равил Мамаражабов.

2. Мармар конларида иш қизғин.

Тоҳир Норқулов (ЎзА) олган суратлар.





Ҳамкорлик

ҚИШЛОҚДА КЎПТАРМОҚЛИ КОРХОНА

· ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Қува туманидаги М. Шербўтаев номли жамоа хўжалигининг Бекат қишлоғида Туркиянинг «Нисон» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона ишга туширилди.

Корхона дастгоҳларининг аксарият қисми хориждан келтирилган. Бу ерда кунига 12 тонна сутни қайта ишлаб, сарёғ, пишлоқ, сузма каби маҳсулотлар тайёрланади. Шунингдек, кунига 30 тоннагача кир ювиш, суюқ совун, чинни идишларни тозалаш воситалари тайёрланадиган цех ҳам ишлаб турибди.

Кунига 1,5 минг дона турли сиғимдаги пластмасса идишлар тайёрлаш цехи ҳам бор. Қишлоқнинг 50 дан ортиқ киши иш билан таъминланди. Айни кунларда кўп тармоқли корхонанинг гилам тўқиш, гўштни қайта ишлаш цехларини ҳам ишга туширишга ҳаракат қилиняпти.

Алишер ИБОДИНОВ.

Кичик корхона

«ШАҲНОЗ»НИНГ МИЖОЗИ КЎПАЙМОҚДА

· БУХОРО (мухбиримиздан). Республикада тадбиркорликни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилаётганлиги ғиждувонликлар учун ҳам кўл келяпти. Шаҳарда кичик корхоналар сони кўпайиб бормоқда.

«Шаҳноз» кичик корхонасига тадбиркор Юлдуз Тешаева раҳбарлик қилмоқда. Аҳолига маиший хизмат кўрсатаётган бу кичик корхонада ҳозир 30 нафар қизжувон ишламоқда. «Шаҳноз»дан розимиз, — дейди буюртмачи Рисолат Муҳаммедова. — Бу ерда ишлаётган Инобат Авезова, Дилдора Муҳаммедова, Феруза Ҳикматова сингари чеварлар мижоз дидига мос андозадаги буюртмаларни ўз муддатида тикиб беришяпти.

Ҳа, «Шаҳноз»нинг мижозлари кўпайиб бориш билан бирга унинг цехлари сони ҳам ошяпти. Эрта-индин бу ерда зардўзлик, патдўзлик цехлари ишга туширилади. Савдо-ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади. Энг асосийси, яна 30 киши иш билан таъминланади.

Даврон БАҲРОНОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

КУЧЛИ ПОРТЛАШ ОҚИБАТИ

ПАРИЖ. Утган сешанба куни Париждаги «Сен-Мишел» метро станциясида кучли портлаш рўй берган эди. Врачлар, ўт учирувчилар, полициячилардан иборат қарийб 400 кишилик қутқарув гуруҳи портлаш содир бўлган жойда қутқарув ишларини ниҳоясига етказди. Ўт ўчирувчилар қутқарув хизмати маълумотларига қараганда, портлаш натижасида 4 киши ҳалок бўлган, 14 киши оғир ва 47 киши енгил жароҳатланган.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ТАЛАБИ

БМТ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши Босния сербларидан мусулмонларнинг Жепа ва Сребреница қароргоҳларини тезда тарк этишни талаб қилди. Маълумки, бу қароргоҳлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан «Хавфсизлик минтақаси» деб эълон қилинган.

МИСРГА ТАШРИФ

ҚОҲИРА. Россия Федерацияси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари Андрей Кокошин Миср Араб Республикасига (МАР) амалий ташриф буюрди. У раҳбарлик қилаётган делегация таркибида Россиянинг бир неча муассасалари вакиллари мавжуд. Ташриф чоғидаги музокараларда МАР қуролли кучлари раҳбарияти билан Россия — Миср ҳарбий ҳамкорлиги муаммолари муҳокама қилинади.

МАЪРУЗА ҲУКУМАТГА ҲАВОЛА ЭТИЛДИ

ЛОНДОН. Британия парламентининг махсус комиссияси «мамлакат банклари россиялик жиноятчилар диққат марказида», деган хулосага келди. Комиссия бир неча ой мобайнида мамлакатдаги жиноий вазиятни ўрганган эди. Комиссия тайёрлаган маъруза ўтган сешанба куни Британия ҳукумати эътиборига ҳавола этилди.

УЧ КУНЛИК САФАР

ВАШИНГТОН. Жанубий Корея Президенти Ким Ен Сам Америка Қушма Штатларига уч кунлик расмий ташриф буюрди. У АҚШ конгрессининг ҳар икки палатаси қушма мажлисида сўзга чиқади. Корея Республикаси давлат раҳбари пайшанба куни Президент Билл Клинтон билан Корея уруши фахрийларига бағишланган ёдгорликнинг очилиш маросимида иштирок этади.

ПОЛИВОД ҚЎЛГА ТУШДИ

БУДАПЕШТ. Венгрия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Украинанинг собиқ Президенти Л. Кравчукнинг шахсий қўриқчилари собиқ бошлиғи Виктор Поливодни қўлга туширди. Миллий полиция расмий вакилининг журналистларга хабар беришича, қўлга олиш Украина ҳукуматининг илтимосига ва Интерполнинг тегишли мактубига биноан амалга оширилган. Айни пайтда В. Поливодни «Украина ҳукуматига топшириш муддати» масаласи ҳал этилмоқда. Маълум бўлишича, Украина томони В. Поливодни валюта билан кўзбўямачилик қилиш ва давлат маблағларини ўзлаштиришда айбламоқда.

ҚЎШМА МАШҚЛАР

КИЕВ. Николаев шаҳридан 40 километр узоқликда бўлган Широкий Лан синов майдонида 25—29 июль кунлари Украина — Америка денгиз пиёдалари бўлинмаларининг биргаликдаги машқлари булиб ўтди. Украина Мудофаа вазирлиги хабарига қарағанда, бу машқлар икки мамлакат ҳарбий маҳкамалари ҳамкорлиги дастурига мувофиқ ўтказилади.

ҲИНДИСТОНДА РОССИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

МОСКВА. 1995 йилнинг декабрь ойида Ҳиндистонда Россия маданияти кунлари бўлиб ўтади. Ҳиндистон Инсоний заҳираларни ривожлантириш вазирлиги маданият департаменти масъул котиби Ситакант Махапатра шуни маълум қилди. Анжуман дастурида қайд этилишича, Деҳли, Калькутта, Мадрас ва Бомбей шаҳарлари аҳли 140 нафардан зиёд Россия ижодкор зиёлилари иштирокидаги концертларни, цирк томошаларини кўришга муяссар бўладилар. Дастурда Россия киноси ҳафталигини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Россияда Ҳиндистон маданияти кунларини эса 1996 йилда ўтказиш режалаштирилмоқда.

ДОҒИСТОНДА МИЛЛИЙ БАЙРАМ

Доғистон халқи ўз тарихида илк бор миллий байрам — Конституция кунини нишонлади.

Доғистон Республикасининг Қомуси ўтган йили умумхалқ муҳокамасидан кейин қабул қилинган эди.

ВИЛЛИ КЛАСНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НАТО Бош котиби Вилли Клас Босния серблари мусулмонлар яшайдиган Горажде қишлоғини босиб олишга уринса, мазкур ҳарбий блок уларга қарши ўз авиациясини ишга солишини айтди.

Вилли Класнинг таъкидлашича, НАТО кенгаши навбатдаги мажлисида авиациянинг ҳаракат режасини тузган.

ХИТОЙНИНГ БАЁНОТИ

Хитой Халқ Республикаси Тайван билан дипломатия алоқалари ўрнаттани учун Гамбия билан барча расмий муносабатларни узди. ХХР Ташқи ишлар вазирлиги, Гамбия ҳукумати Хитой билан тузилган икки томонлама дипломатия муносабатларига оид аҳдномани бузгани учун шундай қарорга келингани ҳақида баёнот берди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Ишлаб чиқариш

КУНИГА УЧ ТОННА МАКАРОН

· СИРДАРЁ (мухбиримиздан). Шаҳардаги гуруч заводи қошида макарон ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилди.

Бу ерда бир кеча-кундузда 9 хилдаги 2,5-3 тоннагача макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин. Макарон цехининг ишга туширилиши Сирдарё шаҳар ва туманлари аҳолисини тўйимли маҳсулот билан таъминлашга имкон беряпти.

Абдужалил УМАРОВ.

Савдо кўргазмаси

ГИЛАМЛАР— НАФОСАТ БЕЗАГИ

· Тошкентдаги Ўзбекистон Давлат тарих музейида Тошкент бадиий салони очилди. Бу санъат силсиласи қўлда тўқилган ноёб гиламлар, сўзаналар, қадимий заргарлик зийнатлари, соатлар, асл металлдан ишланган буюмларни сотишга ихтисослашган.

Салонда хизмат қилаётган тажрибали санъатшунос экспертлар ноёб гиламларни воситачилик савдосига қабул қилиб олишда буюмларнинг ноёблиги ва сифатига алоҳида баҳо бермоқдалар.

Салонда Туркманистон, Эрон, Афғонистон гиламлари савдо кўргазмаси ҳар куни ишлаб турибди.

М. САЙДУЛЛАЕВА.



САВОЛ: 25 йил педагог стажига эга бўлган аёллар 50 ёшда, эркаклар 55 ёшидан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга.

Мактаб директори ҳам 12 соатдан дарс беради, 25 йил стажи бор. Нега аёл директор 50 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга эмас? Директор ҳам ўқитувчи-ку?

Х. МИРЗАКАРИМОВА,
мактаб директори.

ЖАВОБ: Бу ерда масаланинг икки томони бор. Яъни биринчидан мактаб директори аёл киши, иккинчидан, бу аёл мактабда директор бўлиб ишлайди. Аёллар УзР фуқароларининг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунининг 7-моддасига мувофиқ 20 йил стаж билан 55 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу ерда масала директорларнинг имтиёзли равишда пенсияга чиқиши хусусида кетяпти.

Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар рўйхатида мактаб директорлари кўрсатилмаган. Лекин мактаб директори айни пайтда ўқитувчи бўлиб ишлаган ва ўқитувчилик ишидан тўлиқ ставка маошига эга бўлган бўлса имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эгадир.

Мазкур ҳолатда директор бўлса ҳам, ўқитувчилик фаолиятини давом қилдириб келганлиги учун бу кишининг ҳам имтиёзли шартларда пенсияга чиқишга ҳуқуқи бор.

***

САВОЛ: ТошДУ қошида ҳуқуқшунос-педагог факультети очилганини эшитиб қолдим. Икки йилдирки, юридик институтига ҳужжат топшириб балларим етмай қайтиб кетяпман. Агар ТошДУнинг мазкур факультетида ўқиб диплом олсам ҳам юридик институтининг дипломи билан ишлайдиган жойларда ишлашим мумкинми?

А. МЎМИНОВ,
Самарқанд тумани.

ЖАВОБ: ТошДУ қошида 1994 йилдан янги, ҳуқуқшунослик факультети очилди. Ҳозирги кунда ушбу илм масканида талабаларнинг юридик фанларни ҳар тарафлама чуқур ўзлаштириб олишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Улар факультетни битказганларидан кейин соҳа фаолияти билан боғлиқ бўлган барча идораларда ишлаш имкониятига эга бўладилар.

Саволларга ҳуқуқшунос Раҳмонқул ҚУРБОНОВ жавоб берди.

Ўримдан кейинги ўйлар

РАИС НЕГА ХАФА?

ЁКИ ТУМАНДА МАЪМУРИЙ-БУЙРУҚБОЗЛИК ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

Хоразмда ўтган йили кузги буғдой экиш режаси бажарилмади. Гарчи экиндан олинган ҳосил бутунги ҳисоб-китобларга қараганда гектарига 29 центнерни ташкил қилса-да, бироқ кузда бой берилган кўпгина имкониятлардан оқилона фойдаланилганда, тадбиркорлик билан иш кўрилганда ҳосилдорлик вилоят бўйича сезиларли даражада ошган бўларди.

Вилоятнинг Янгибозор туманидаги «Россия» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Маматсолий Халиллоевни тажанг, хафа ҳолда учратдик. Сўзлашгиси ҳам йўқ. Ахир буғдой экиб, тумандагина эмас, вилоятда энг кам ҳосил олган хўжаликлар сафида турибди-да у. Ҳосилдорлик вилоят кўрсаткичидан роппароса икки бараварига кам! Пўстагини ҳам туманда қоқишади, ҳам вилоятда! Тўғри қилишади юзаки қараганда. Аммо... Гапнинг бисмиллосини эшитайлик-чи.

— Ахир, сиз тажрибали раҳбар, ернинг тилини биладиган агроном эдингиз-ку, нега бундай бўлди? — сўраймиз калаванинг учини излаб. У саволимизга савол ташлади:

— Айтинг-чи, қумдан арқон эшиб бўладими?— у саволига ўзи жавоб берди: — Бўлмайди! Шунингдек, бизнинг хўжалик ҳудудида ҳам буғдой экиб обрў олиб бўлмайди, ука!

— Нега энди?

— Сабабки, бир томонимизда Амударё, иккинчи ёғимизда Қиличбой орна канали шовуллаб турибди. Учинчи томонимизда Тўронғи соқа ариғи—чор атрофимиз сув билан ўралган. Ерларимиз «Менга фақат шоли экинг»дея нолиб турипти, қаранг. Ахир мен бу йил 2005 гектар майдонга «қирмизи дон» экканман. Булар юз гектарлик кафтдай буғдойзорни захлатиб юбориши табиий-ку. Наҳотки шунга тушунишмаса?

— Мен-ку тушуниб турибман. Лекин эплай билмас экансиз, нега экдингиз шуни?

Раис гапни қисқа қилди:

— Туман ҳокимлиги топшириғи!

— Сиз-чи, сизда ўз мустақил фикрингиз йўқми? Ахир бурноғи йил ҳам шу майдонларга буғдой эккансиз-ку.

— Ҳа, туман ҳокимлигидан эктиришди. Зўрға ўн икки центнерга етиб олдик ўтган йили. Донимиз деярли пуч бўлди, нави бузилиб кетди. Шу ерларга шоли экканимизда борми, уч баравар кўпроқ даромад олардик! Ана шуни билиб-кўриб туриб ҳам ўтган йил кузида яна бизга юз гектарга буғдой экиш планини беришди...

Ахир, халқимизни нон билан таъминлаш керак. Буғдой—бу ризқ-рўзимиз...

— Биламан, тушунаман. Республикамизнинг дон мустақиллигини таъминлашимиз керак. Бироқ зарар кўриш ҳисобига эмас-да! Иккинчидан, шоли ҳам дон-ку !

Раис жим туролмади, юрагидаги ўт яна забонига эрк берди:

— Билсангиз керак, тумандаги «Бўзқалъа» жамоа хўжалигида 175 гектар майдонда 720 тонна буғдой етиштирилди. Ҳосилдорлик 41 центнерни ташкил этди. «Маданият» жамоа хўжалигида ҳам худди шундай, буғдойдан юқори ҳосил олинди... Шундай экан, наҳотки биздаги шоли етказиш режасини кўпайтириб, улардаги буғдой экиладиган майдонларни бироз ошириб бўлмаса? Бу амаллар иқтисодий сиёсатимиз қонуниятларига зид бўлмаса керак?

Раиснинг гаплари мени чуқур ўйгасолди.

Дарҳақиқат, «Россия»ликлар жами экин майдонининг саксон фоизга яқинига шоли экиб, ундан 40-45 центнердан ҳосил етиштириб, элни мамнун этиб келяпти. Тўғри, балки деҳқончилик ишларида раисдан ҳам айрим камчиликлар ўтгандир. Бироқ унинг гапида, таклифида «жон» борга ўхшайди. Мен вилоятнинг айрим туманлари хўжаликларидаги юқоридагиларга ўхшаш баъзи ҳолатларга дуч келиб, шундай хулосага келдим. Шунинг учун янгибозорлик мутасаддиларга қарата «Жамиятимиз равнақини таъминлашнинг бош омили бўлган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ҳар бир ишга оқилона ёндашиб, ишнинг кўзини билиб ердан унумли фойдаланиш пайти етмадимикин?» деган саволни бергим келади. Бу ёғи тилга олинган масалага масъул мутасадди ташкилотлар раҳбарлари қандай муносабат билдиришларида қолган!

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.





Оқ олтин тумани Бобур номли ширкатлар уюшмаси ҳудудида жойлашган 1-ғалла қабул қилиш пунктида бўлсангиз туманнинг 9 та хўжалигида етиштирилаётган ғалла ҳосили бу ерга пешма-пеш келтирилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Ҳосил мўллигидан ғалла тоғлари бунёд бўлган. Ҳозирча пунктда жамғарилган ғалла 25000 тоннани ташкил этмоқда. Ҳосил қабули эса давом этмоқда. Айни пайтда туман ички ишлари ходимлари кечаю-кундуз ҳушёрлик билан етиштирилган донни исроф қилиш ва ўғирланишдан сақламоқдалар. Чунки, бу ердаги катта хирмондан фойдаланиб қолишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас.

СУРАТЛАРДА: 1. Туманнинг 1-ғалла қабул қилиш пункти лаборанти Хайрулло Мамаражабов, туман ички ишлар бўлими ходими Исмат Иброҳимов, пункт мудири Тўра Ёрлақабов хўжаликлардан йиғилган дон хирмонлари ёнида қилинаётган ишлардан мамнун. 2. Ўрим давом этмоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар.

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 31

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 "Ёшлик" студияси. "Тафаккур".
18.55 Футбол шарҳи.
19.05 "Хазинамиз таянчи".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Фортепьяно куйлари. Наргиза Пўлатхонова.
20.20 "Ҳамшаҳарлар".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 Мунозара оқшоми. "Ислоҳот, миллий қадриятлар".
22.00 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 6-қисм.
23.20 Эълонлар.
23.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Навбаҳор" (Наманган) — "Атласчи" (Марғилон).
00.10 — 00.35 "Ахборот".

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси тақдимида:

18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Деҳқон ҳиммати".
19.30 "Кимга қанақа?".
20.15 "Спорт-тайм".
20.45 — 22.00 "Қадимги шўхликлар". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10 — 20.40

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.40 — 00.35
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Тадбиркорлар мактаби".
19.15 "Байрамали". Телефильм.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
"ОМАД" тақдимида:
19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 Жаҳон географияси.
21.35 Эълонлар.
21.40 Видео — "О".
23.20 Эълонлар.
23.25 "Курьер".
23.45 "...яна об-ҳаво ҳақида".
23.55—00.05 "Постфактум".

СЕШАНБА, 1

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 П. Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 6-қисм.
9.20 Немис тили.
9.50 "Ёшлик" студияси. "Оқар дарёлар".
10.30 "Болалар меҳмонхонаси".
11.00 "Олтин диёр". Кинодастур.
11.40—13.40 "Умидлар йили". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. "Қўғирчоқлар — менинг дўстларим".
18.40 "Ишбилармон".
18.55 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. "Соҳибқирон даҳоси".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ўзбектелефильм" кўрсатади: "Дўппи".
20.05 "Ўзбекистон, ургилай". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоштемир Шарипов.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 Мунозара оқшоми. "Иқтисодий ислоҳотлар — журналистлар назарида".
22.00 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 7-қисм.
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 "Ахборот".

ЎзТВ II
"ОМАД" тақдимида:

18.30 "Мультфейерверк".
19.00 "Табиат дунёси".
19.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.10 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
21.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.25 Видеогид.
21.40 "Теле-ателье-шоу".
21.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.35 —00.15 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00

***

18.10 — 20.45

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 23.50
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Акс-садо".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Ҳаракатда баракат".
20.20 "Пурвиқор тоғлар диёри". Швейцариянинг миллий байрамига бағишланади.
21.05 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.05 "Бизнен мирас" (татар тилида).
22.45 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.55 "Соккер-клуб".
23.40—23.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 2

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 П. Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 7-қисм.
9.20 Алифбо сабоқлари.
9.50 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим".
10.30 "Тараққиёт".
11.00 "Болангиз мактабга тайёрми?".
11.30 — 13.30 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 Болалар учун. "Қувноқ дақиқалар".
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 "Биздан озод ва обод Ватан қолсин".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ижодкор хонадонида. "Раҳмат Файзийни эслаб...".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 Истиқлол ва истиқбол. "Хирмон тўлиб тўкилди дон".
22.00 "Бир жуфт қўшиқ". Юлдуз Усмонова.
22.20 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 8-қисм.
23.40 Эълонлар.
23.45 — 00.10 "Ахборот".

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси тақдимида:

18.30 "Ўзим ҳақимда...".
19.00 "Жонли тил".
20.00 "Шоҳсупа сари".
20.30 "Саломатлик — туман бойлик".
21.15 "Тошкент оқшомида".
22.15 — 23.55 "Кинематограф".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00

***

18.10 — 20.45

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 23.35
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Вариацияли мавзу".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
"ОМАД" тақдимида:
19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45—23.45 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 3

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 П. Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 8-қисм.
9.20 "Ёшлик" студияси. "Бир ўлкаки...".
10.20 "Кашф этилаётган имкониятлар".
10.50 "Қизил Ярим ой шуъласи".
11.20 — 12.25 "Эй, ковбойлар!". Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Истиқлол ва истиқбол. "Маҳалламиз болалари".
19.10 "Осойишталик посбонлари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Фарғона тадбиркорлари".
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 Бевосита мулоқот. "Олий таълим ривожланишда".
22.10 "Жоним эрурсан". Шоир Камтар қўшиқлари.
23.00 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 9-қисм.
00.20 Эълонлар.
00.25 — 00.50 "Ахборот".

ЎзТВ II
"ОМАД" тақдимида:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Кўнгил".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Теле-ателье-шоу".
19.10 Видео янгиликлари.
19.30 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 — 22.45 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00

***

18.10 — 20.45

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 00.30
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Мозийдан ёғдулар".
21.30 — 22.20 "Муҳофаза". Адвокатларнинг телевизион клуби.

ЖУМА, 4

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 П. Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 9-қисм.
9.20 Немис тили.
9.50 Болалар учун. "Эртаклар — яхшиликка етаклар".
11.00 Дутор ва танбур тароналари.
11.30 "Ўзкинохроника" студиясининг ҳужжатли фильмлар дастури.
12.20—13.00 "Ёшлар ва замон".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 "Жараён".
18.45 "Футбол майдонларида".
19.05 "Туркистон — умумий уйимиз".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мумтоз мусиқа кечаси.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 Истиқлол ва истиқбол. "XXI аср бўсағасида".
22.00 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 10-қисм.
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 "Ахборот".

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси тақдимида:

18.30 "Дунё болалари".
19.00 "Бу бўстон аро...".
19.30 "Самарали изланишлар".
20.00 "Билиб қўйган яхши".
20.25 "Бизнес-академия".
20.50—21.30 "Киносаёҳатчилар клуби" — бизнинг меҳмонимиз".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00

***

18.10 — 20.45

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 01.05
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Эсдалик учун дастхат".
19.20 "Баргузин ёзи". Телефильм.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Ҳамкорликнинг янги уфқлари".
"ОМАД" тақдимида:
20.15 Эълонлар.
20.20 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
21.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 "Автосалон".
21.50 "Кулгига нима етсин".
22.20 Эълонлар.
22.25 "Даракчи".
22.35 Эълонлар.
22.45—00.25 Видео — "О".

ШАНБА, 5

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 П. Қодиров "Бобур". Видеофильм. 10-қисм.
9.20 Болалар учун. "Санъат ғунчалари".
10.00 "Ўзингни эр билсанг".
10.45 "Жаҳон бунёдини суз узра қўйган". Хоразм ёзма адабий ёдгорликлари.
11.30 "Ёшлик" студияси. "Ғафур, Ҳамза ва бошқалар...".
12.30 "Олимпиадани кузлаб".
12.50 "Суянч".
14.00—15.15 "Ўзгалар бахти". Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 "Сирли сандиқ". Телевизион ўйин.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хожиакбар Ҳамидов куйлайди.
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 "Санъат усталари". Халқ артисти Сора Эшонтўраева.
22.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
22.40 Эълонлар.
22.45 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
"ОМАД" тақдимида:

9.00 "Мультфейерверк".
9.30 "Табиат дунёси".
10.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.55 Видеогид.
12.15 "Теле-ателье-шоу".
12.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
13.05 "Кинонигоҳ".
14.45—18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

*

"Тошкент" студияси тақдимида:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Антенна".
19.40 "Янги иқтисод".
20.10 "Пульс". Хабарлар.
20.25 "Менинг кўчам".
20.40 "Хонадонингиз осойишта бўлсин!".
21.40 "Ҳар соҳадан бир шингил".
22.00—23.40 "Кинематограф".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.25 — 20.45

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 23.55
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Мюзик-холл".
10.30 Болалар учун фильм. "Сузавер, кемача".
11.40—12.00 "Булоқлар кўз очганда".

* * *

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.20 "Москва тонги". Телефильм.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Монитор-Осиё".
20.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.45 "Рангинкамон".
21.25 "Бу ажиб дунё".
21.45—21.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЯКШАНБА, 6

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.30 "Шоҳруҳ" клуби.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Цирк! Цирк! Цирк!".
11.50 "Қушиқларим сизга армуғон".
12.20 "Сирли сандиқ". Телевизион ўйин.
13.20—14.05 "Қишлоқ ҳаёти".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. "Қўшиғим, жон қўшиғим".
18.45 Биринчи Марказий Осиё ўйинлари олдидан.
19.05 "Ойнаи жаҳонда...".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 "Тимсол" видеоканали.
23.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Политотдел".
23.50 Эълонлар.
23.55—00.25 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II
"ОМАД" тақдимида:

10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Теле-ателье-шоу".
10.40 Видео янгиликлари.
11.00 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.35—14.15 "Кинонигоҳ".

***

17.00 "Совға".
17.30 Жаҳон географияси.
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео — "О".
20.05 Эълонлар.
20.10 "Курьер".
20.30 "...яна об-ҳаво ҳақида".
20.40 "Постфактум".
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 "Компьютер — Осиё".
21.40 "Кулгига нима етсин".
22.05 Эълонлар.
22.10 "Даракчи".
22.20 Эълонлар.
22.25—00.05 Видео — "О".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.20 — 21.50

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.50 — 24.00
ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!". Мультфильм.
9.40 "Жонли сайёра".
10.00 "Коллекция".
10.20 "Менинг кўчам".
10.35 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
12.15—12.25 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).

* * *

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.10 "Подиум".
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.00 "Глобус".
21.40 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.50 "Ташрифлар ва таклифлар".
22.10 "Бу ажиб дунё".
22.30—22.40 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ТАШКИЛОТ

Пахта, пахта толаси, пахта калавасини

СОТИБ ОЛАДИ

Пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга:

— Германия ва Австрияда ишлаб чиқарилган музлатгич пештахталари;

— озиқ-овқат, гўштли консерва, 100 фоизли мевали шарбат, қандолат ҳамда вино-арақ маҳсулотларини



СОТАДИ

Маълумот учун телефонлар: 45-70-65, 45-55-65.

ТАШКИЛОТ

Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни буюртма бўйича *тайёрлаб беради ва сотади:*

— шлакблоклар;
— цоколблоклари.

Шунингдек савдода:
— ПЭВ-2 эмаль симлари;
— эркакларнинг кузги туфлилари мавжуд.

Нархлари — нисбатан арзон, сифати — аъло.

Маълумот учун телефонлар:
55-36-78, 55-44-18.

"МУСТАҚИЛЛИК"
ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.



Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
МАРКАЗИЙ БАНК
ЖАМҒАРМА БАНКИ
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКСАВДО
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ

"JUR ВЕК"

"ЖЎРАБЕК" ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ ЧОРЛАЙДИ!

Бугунги кунда аҳолининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида "Жўрабек" хусусий дорихонаси жаҳондаги кўплаб фармацевтика саноати корхоналари, фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жумладан, Англиянинг "Стерлинг Хелс" фирмасидан харид қилинган оғриқ қолдирувчи ва иситма туширувчи "Панадол" дорисининг саккиздан ортиқ тури чақалоқдан тортиб то кекса беморларгача даволашда бебаҳо малҳам бўлмоқда. Айниқса, франциялик ҳамкасблардан харид қилинаётган хилма-хил гинекологик дори-дармонлар хотин-қизлар касалликларини даволашда ва бу хасталикларнинг олдини олишда ниҳоятда қўл келмоқда.

Panadol Tablets

ҲУРМАТЛИ МИЖОЗЛАР!

Дори-дармонлар танқис бўлиб турган бугунги кунда Сиз учун фақат "Жўрабек" хусусий дорихонасигина дунёнинг исталган бурчагидан дардингизга малҳам бўладиган зарур дори-дармонларни топиб, етказиб бера олади!

ДОРИХОНАМИЗ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, "Бешёғоч" майдони, Олмазор кўчаси, 165-уй. Телефон: 45-60-40, факс: 45-41-46.

ИЛК БОР ТОШКЕНТДА!

Ўзбекистон бозорларида бундай сифатли молларни ҳозирча топиш қийин

ФИРМА МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Яшнобод даҳаси, Толариқ кўчаси, 26.
Телефонлар: 95-56-80 - қабулхона зали,
98-47-92 - савдо зали,
98-47-95 - кўргазма зали.



АҚШ, ЯПОНИЯ, ИТАЛИЯ, ИНДОНЕЗИЯ, ТАЙВАНЬ ФИРМАЛАРИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ

Агар офисингиз кўриниши энг яхши жаҳон андозаларига мос келишини истасангиз, унда "Пойабзал ва спорт моллари" фирмасининг кўргазма залига ташриф буюринг. Биз сизнинг дидингиздаги офис мебели, канцелярия моллари, телефонлар, офис гилами, поёндози, калькуляторларни таклиф этамиз.

БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ БИЗДА МУҲАЙЁ!

"ИТТИҲОД" акциядорлик жамияти собзавот ва ҳўл меваларни муздек омборларда сақлаш масъулиятини ўз зиммасига олади, бу маҳсулотларни сотишда ёрдам беради ҳамда уларни бартер асосида етказиб беришни ташкил қилади.

Манзил:
Новосибирск шаҳри, телефон: /3832/ 66-18-30, 66-18-70. факс: 46-52-59.

«ЎЗМАТЛУБОТТАЪМИНОТ»

Пул ўтказиш йўли билан Японияда ишлаб чиқарилган «ШАРП» касса аппаратларини

СОТАДИ

Телефонлар: (3712) 48-64-89, 48-43-92.

Узбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни «Ўзавтойул» жамоаси «Тошкентавтойул» давлат акционерлик бирлашмаси раиси ўринбосари Абдусаттор Каримовга отаси

Абдусамад КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абдулла ЖАЛИЛ

БЕШ МИНГ ЙИЛЛИК ШОНИ БОРДИР БУ ЭЛНИНГ



Истеъдодли шоир ва публицист Абдулла Жалилнинг «Қувшга мактуб», «Уйғоқ руҳлар», «Бўҳтон ва ҳақиқат», «Ўтаётган кун», «Тўққизинчи салб юриш» номли китоблари чоп этилган. Асарлари қардош халқлар тилларига таржима қилинган.

Айни пайтда у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилояти бўлимининг масъул котиби.

ТУРКИСТОН

Энг қадимги бир Ватандир, бу макон,
Энг муқаддас бир ошёндир, бу макон,
Томирларда оққан қондир, бу макон,
Тан қалъаси ичра жондир, бу макон.
Туркистондир, Туркистондир, бу — Турон.

Кўркли, қутлуғ номи бордир бу юртнинг.
Беш минг йиллик нони бордир бу юртнинг
Буғдой уйдан нони бордир бу юртнинг,
Тан қалъаси ичра жондир, бу макон,
Туркистондир, Туркистондир, бу — Турон.

Гўрўғлибек, Алпомишнинг бешиги,
Кўҳна ўзган, Боласоғун эшиги,
Юсуф Ҳос Ҳожибдар айтган қўшиғи,
Тан қалъаси ичра жондир, бу макон.
Туркистондир, Туркистондир, бу — Турон.

Эли кўҳна, элларнинг боши бўғини,
Йиғинлари Кул Тегинлар йиғини.
Битиклари Урхун, Уғин битиги,
Тан қалъаси ичра жондир, бу макон.
Туркистондир, Туркистондир, бу — Турон.

Уруғлари саноғи йўқ, катта эл,
Қозоқ, Қирғиз, Озор, Туркман, Чамбил бел,
Бир — биридан улуғ, буюк ҳилма - ҳил,
Тан қалъаси ичра жондир, бу макон.
Туркистондир, Туркистондир, бу — Турон.

Бу тупроқнинг минг-минг йиллик сири бор,
Ўғиз сирли ҳеч очилмас ери бор.
«Қуёшли ер» олови бор, нури бор,
Тан қалъаси ичра жондир, бу макон.
Туркистондир, Туркистондир, бу — Турон.

ОНАЖОН

Онажон, дувёда ҳеч, сиз каби меҳрибон йўқ,
Болам деб бошимизга, бўлғучи соябон йўқ.

Иссиқ жон бу, ногоҳон, дард қўша қўнса агар,
Теграмизда сиз каби парвонаю волон йўқ.

Жонажонлар кўнглиру лек ичида сиздайин,
Дил — дилидан қайғуриб, куйгучи жонажон йўқ.

Бизга бир ширин ҳаёт туҳфа этдингиз она,
Сизга ҳаммат бобида тенг келгучи инсон йўқ.

Онажон, она дедим, ҳоки пойингиз ўниб,
Изласам бу жаҳондин сиз каби онажон йўқ.

Сизни эъзоз айламоқлик Ватанни севмоқ демак,
Чеҳрангиздан нурларюқ Жалилийга бўстон йўқ.

МАШРАБ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ҳуснингга жоним тўғоли келдим,
Кўксингга бошим қўғоли келдим,
Тобланди меҳрим сўғоли келдим,
Ишқинг ўтида куйголи келдим,
Ойдек юзингни кўрголи келдим.

Ўсма қўйибон ёйдек қошингга,
Эй моҳи тобон чиқғил қошимга.
Боқғил кўзимдин оққан ёшимга,
Савдои зулфинг тушди бошимга,
Сендан давосин сўрголи келдим.

Елғон жаҳонда мен рост бўлай деб,
Ўтмас эсам гар олмос бўлай деб,
Сенга наризол мен мос бўлай деб,
Баҳрингга кирдим ғаввос бўлай деб,
Бир дурри мақсуд олғоли келдим.

Эй гулузорим, ой юзли ёрим,
Мангу баҳорим, руҳи равоним,
Нозли ниторим, нигроқ дуторим,
Аҳду-қарорим, номусим, орим,
Маҳви жамолинг бўлғоли келдим.

Ёнимдан ўтди, бохабар этти,
Мушк, анбар ҳиди оламни тутти,
Сабрчи кутди, дардини ютди,
Қофила кетти, манзилга етди,
Мен ҳам тараддуд кўрголи келдим.

Ҳамина бир кам билғил бу дунё,
Бевафодир ҳам билғил бу дунё,
Ер кўзини нам этди бу дунё,
Соқий қалаҳин қилғил муҳайё,
Ваҳдат майидин ичголи келдим.

Жалилий Қуддис сирриҳин очгил,
Оллоҳим нуринг Машрабга сочгил,
Жаннат эшигин Машрабга очгил,
Раҳмат эшигин Машрабга очгил,
Ишқинг куйида ўлғоли келдим.

Шифо масканларида

УЗЛУКСИЗ ТИББИЙ ХИЗМАТ



Ҳозир эл ташвишига чинакамига елка тўғадиган замон. Бу замон ҳалолликни, меҳнатсеварликни хушлайди. Тўғри, қийинчиликлар, муаммолар бир талай. Лекин имконият ҳам оз эмас. Қизиғи шундаки, имконият излаган одамларнинг қийинчилик ҳақида уйлашга фурсати етмайди. «Узбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компанияси соғлиқни сақлаш хизматида ана шундай фидойи инсонлар ишлашади.

Бизнинг маълумот:

Урта Осиё темир йўлларида соғлиқни сақлаш хизмати ташкил топганига 1999 йилда юз йил тулади. Маълумки, темир йўл хизмати кеча-кундуз ишлайди. Соғлиқни сақлаш хизмати ҳам шунга асосланган. Ҳозир республикамизда темир йўл хизматчилари учун 15 та шифохона мавжуд. Улардан иккитаси марказий клиник шифохона, болалар шифохонаси, сил диспансери, Тери-таносил диспансери Тошкентда жойлашган.

1984 йилдан бери Сиргали туманида тиббиёт билим юрти ишлаб турибди. Бу йил баҳорда 155-болалар богчаси ишга тушди. Эътибор қилинг-а, темир йул хизматчиларининг жажжи фарзандлари учун болалар богчаси, юздан ортиқ мактаблар бор. Узбекистон темир йуллари соғлиқни сақлаш хизмати бошқармасининг бошлиги Шавкат Эшонхужаев билан суҳбатдан:

— Соғлиқни сақлаш хизматимиз темир йул хизмати хавфсизлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Машинист узлуксиз 18-20 соат ишлайди. Шу боис рейсдан олдин уларнинг саломатлигини текшириб, курикдан утказилади. Рейсдан кейин эса уларга бир кун дам берилади. Ҳар бир шоҳбекатда «Машинистлар учун дам олиш уйлари», шунингдек, вилоятларда ҳам филиалларимиз мавжуд.

Йуловчи чипта олиб, манзилга етиб олгунича бизнинг мижоз ҳисобланади, унинг соғлигига биз жавобгармиз. Узбекистон темир йулларида энг куп маблағ соғлиқни сақлаш учун сарфланади. Ҳозир катта қурилишлар кетяпти. Бухоро, Хужайли, Термизда 150 уринли, Назарбекдаги шифохонанинг 2- босқичи қуриляпти.

Шавкат ака «Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши» дея, Тошкентдаги марказий поликлиникани бориб кўришни маслаҳат бердилар.

Марказий поликлиниканинг кухна биноси 1936 йилда қурилган, олдин бирлашган шифохона,ҳозир мустақил поликлиника сифатида фаолият кўрсатяпти. Бу ердаги озодалик, саришталик киши диққатини тортади. Руйхатхонада беморларга қилинадиган муомаладаноқ иш тартиб — интизом билан йулга қуйилганини англаш мумкин.

Марказий поликлиника бош шифокори Кавсар Қодирова билан суҳбатдан:

— Поликлиникамиз темир йул хизматчилари, уларнинг оилаларига, темир йулда ишлаб пенсияга чиққан нафақахурларга хизмат кўрсатади. Машинистлар, уруш қатнашчилари, нафақахурлар навбатсиз қабул қилинади. Беморларни гиёҳлар билан даволаш усулини 1992 йилдан бошлаб, республикада биринчи бўлиб қуллаяпмиз. Махсус гиёҳ экологик тоза жойларда, тоғ ён — бағирларида устирилади. Бундан ташқари, гоммопатия — тигсиз даволашда асосан беморларни табиий тузлар, минераллар, ари, илонлар заҳри, ўргимчак, олтин, кумуш каби табиий элементлар билан ҳам даволаймиз. Сабина Леонидовна Кирсанова — бу соҳа бўйича Москвада ўқиб келган.

— Бемор дардига даво бўладиган яна қандай янги усулларни қуллаяпсиз?

— Поликлиникамизда ҳозирча республикада ягона компьютер ёрдамида бемор касалини аниқлаш бўлими мавжуд. Бўлим бошлиғи — Наталья Борисовна Новикова ўз ишининг моҳир устаси. Ўтган йили контакт линзалар ясайдиган лаборатория ишга тушди. Жиҳозлар ҳаммаси Англиядан келтирилган. Бундай линзаларнинг кўзга зарари йўқ, уни кўз ичига қўйиб, кўзойнаксиз юриш мумкин. Бундан ташқари, лазер нури билан даволаш рентгенотерапия, ультратовуш бўлими мавжуд. Халқи соғлом юрт ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан бой булади. Биз эса эл соғлиги йўлида тинмай хизмат қилаётган фидойи шифокорларимизнинг эзгу ишларига омад тилаймиз, Зеро, Шарқ табобатининг билимдони Абу Али ибн Сино «Шифокорда бургут кўзи, аёлнинг нозик қўли, илон донолиги ва шер юраги мужассам бўлмоғи лозим», — деганда ана шундай шифокорларни назарда тутган бўлса ажабмас.

Зулайҳо СОБИТОВА,
Маъсуда ЁҚУБОВА.

Сиз суратда кўриб турган манзаралар «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясига қарашли «Ҳавотоғ» санаторийсида олинган. 1. Санаторийнинг ҳамшираси Римма Гизатуллина жисмоний машқларни тоғ бағрида ўтказаётган пайт. 2. Санаторий бош врачи Садриддин Тўрақулов меҳнат фахрийлари Фатҳиддин Ақоидинов ва Азимбой ота Рисқуловлар билан суҳбатда. 3. Ўнгда Ховос темир йўли шифохонасининг бош врачи бемор Шерзод Ғафуров билан. 4. Пастдан ўртада Ховос вокзалида йўловчи беморга тез тиббий ёрдам кўрсатиш пайти акс этган.

Б. РАҲИМОВ олган суратлар.

Боболаринг анойи эмас...

Шарқшунос олим Маҳмуд ҲАСАНИЙ таҳрири остида

ДОНО ХОТИННИНГ ТАДБИРИ

Ниҳоятда латиф ва гўзал бир йигит бор эди. Унинг гоятда зукко хотини бор эди. Хотин доимо эрига: «Мабодо, шайтон васваса қилиб, эплай олсанг бировга ишқибозлик қилгин. Агар тутилиб қолсанг, зинҳор тезлик билан менга хабар қил! Токи бирор чора-тадбир уйлаб топай ва сени бу андишадан чиқарай», дерди.

Кунларнинг бирида йигит подшоҳнинг хос канизакларидан бири билан султоннинг боғида суҳбат қурарди. Шароб ва мевалар муҳайё бўлиб, висол онлари яқин эди. Подшоҳнинг хос ҳожибларидан бирининг назари ушбу канизакка тушиб, унинг ҳирсини қўзғатган эди. Аммо канизак уни ёқтирмас эди. Ҳожиб эса доим унинг изидан юриб, таъқиб қиларди.

Ниҳоят, ҳожибга подшоҳнинг канизаги бегона йигит билан шоҳ боғида суҳбат қурди, деб хабар етди. Ҳожиб ўзи билан бирга бир неча хизматкорларни олиб келди ва йигит билан канизакни ушлаб подшоҳнинг зиндонига олиб кетди ва зиндонбон қулига топширди. Тонг отгач подшоҳ ҳузурига арз қилиб бормоқ ва унинг фармонига мувофиқ иш қилмоқни ўз олдига мақсад қилиб, ҳожиб уйига қайтиб кетди.

Йигит ўзини бало домида кўрди. Боғбоннинг шогирдини ўз уйига жўнатиб, ўз аҳволидан хотинига хабар етказди. Хотин дарров бир товоқ ҳолва пиширди, устига балиқ ва бир неча нон қўйди. Чодирасини ёпиниб, зиндон олдига келиб, зиндонбонга деди: «Менинг бошимга бир иш тушди. Зиндондагиларга ҳолва ва таом беришни ният қилган эдим. Агар сен бу хайрли ниятга хайрихоҳ булсанг ва эшикни очсанг, бу таомни уларнинг олдига қўйсам. Сенга хизмат ҳақини берсам, шояд Худои таоло лутф қилса ва мен ўз назиримнинг уддасидан чиқсам».

Зиндонбон зиндон эшигини очди. Хотин зиндонга кирди. У таомни зиндондагиларнинг олдига қўйди. Ўз чодирасини мазкур канизакка бериб деди: «Чодирани ёпиниб, ташқарига чиқиб кетавер. Агар зиндонбон сендан таомни маҳбусларга бердингми — деб сураса, — бердим, — деб жавоб бер!»

Шундан сунг канизак чодирани бошига ёпиниб, бўш товоқни бошига қўйиб, эшик томон юрди ва саломат чиқиб кетди.

Эртаси куни ҳожиб подшоҳнинг ҳузурида арз қилди: «Кеча тунда фалон канизакни боғда номаҳрам бегона йигит билан қулга туширдим ва зиндонга солдим». Подшоҳнинг рашк ўти аланга олиб, тахтни майдон ўртасига қўйиб, жазо қуролларини муҳайё қилишни буюрди. Шундан сўнг йигит билан хотинни қўриқлаб келтиришларини буюрди. Ниҳоят, йигит подшоҳ олдига келган эди, подшоҳ унга: «Бизнинг ҳарамимизга ибосизларча қадам қўйиб киришга қандай ҳақинг бор» деб бақирди. «Эй шоҳим бу ишда айб хотинимдадир. У доим менга подшоҳнинг боғига бориб томоша қилайлик, дерди. Боғбон бизга дўст эди. Шундай бўлса ҳам мен унга, яхши эмас, бизнинг подшоҳ боғига боришимиз одобдан эмас, дердим. Хотиним менинг сўзимни эътиборга олмади. Мана энди подшоҳнинг қаҳру ғазабига гирифтор бўлиб турибмиз», деди йигит.

Подшоҳ йигит ёнидаги хотинига яхшироқ боқиб кўрдики, канизак эмас, балки йигитнинг хотини экан. Подшоҳ жуда қаттиқ ранжиди ва халойиқ ўртасида ҳожибга минг қамчи уришни буюрди. Йигит билан хотинидан ўзр сўради ва: «Менинг боғим сизларникидир, қачон хоҳласангиз ўша пайтда келиб томоша қилинглар» деб фармон берди.

Йигитнинг балодан қутулиб қолишига сабабчи хотинининг ақл ва идроки эди. Агар хотин ғайрат қилмаганда эди, йигит ғазабга учраб ҳалок бўларди. Бундан маълум бўладики, оқила хотиннинг фикридан кўра эзгулироқ истеъдод йўқ.

Муҳаммад АВФИЙ.

САРИМСОҚНИНГ ФОЙДАЛИЛИГИ ҲАҚИДАГИ ФАСЛ

Агар саримсоқ эзилса ва асалга аралаштириб, илон чаққан жойига сурилса фойда қилади. Агар саримсоқни эзиб, ёғда пишириб, оғизга олиб турилса, тиш оғриғини қолдиради. Истиққоли киши шундан еса фойда қилади, йўтал ҳамда бугин оғриғига ҳам фойдали. Унда доимий ейиш овозни бўғади. Агар ундан нонуштада ейилса, зарарли ҳашоратлардан зиён кўрмайдилар. Ошқозон бузилган ва буйрак оғриги бўлган кишилар уни туюб, шароб билан ичсалар, фойда қилади, ейиш эса сафар қилувчиларга фойдалидир. Саримсоқни егандан кейин бир неча дона боқилани чайнаб юборилса, саримсоқ ҳидини йўқотади.

БАЪЗИ МЕВАЛАРНИНГ ФОЙДАЛАРИ ҲАҚИДА ФАСЛ

Узум ейиш қонни кўпайтиради, ични юмшатади, иштаҳани очади, асабларга қувват беради. Агар уни овқат билан бирга ейилса, овқат тез ҳазм бўлади.

Олма юракка қувват бўлади, шодлик келтиради, ошқозон ичини моддалардан тозалайди ва қувватни оширади.

Анжир ошқозон ичини юмшатади, қонни кўпайтиради. Унинг қуруғидан ейиш овқат ҳазми учун фойдали. Ҳўли эса семиртиради.

Беҳи кўкрак иллатларига қарши наф қилади. Ошқозонга қувват беради. Иштаҳани кўпайтиради.

Анор жигар иллатларига қарши гоят фойдалидир, шодлик бағишлайди, бироз қабзиятлидир. Унинг шарбати ташналикни даф этиш учун фойдалидир.

«ЗИРОАТНОМА» ДАН.

БИТТА БОЛА КИФОЯ

· АҲОЛИСИ йилдан-йилга кўпайиб бораётган Хитойда ўзига хос муаммо юзага келган. Гап шундаки, мамлакатда туғилишни назорат қилиш осон кечмаяпти. Бу ҳаммаси олимларнинг яна беш йилдан кейин Хитой аҳолисининг 1 миллиард 200 миллион кишига етиш ҳақидаги режалари муддатидан олдин, шу кунларда рўёбга чиққани билан боғлиқ. Шу боисдан, Хитой оилаларида фақат биттагина болага эга бўлганларгина рағбатлантирилади, деган мазмунда тарғибот ишлари кучайтирилган. Ўзига хос кураш кампанияси айниқса деҳқонлар ва қишлоқ хўжалик ходимлари орасида кучайган. Афсуски, кўпгина оилалар ҳар қандай жаримадан воз кечмай, келажакда меросхўр бўладиган бир ўғил бола бўлишини орзу қилмоқдалар.

УМР БЎЙИ РУЛДА

· ОТТАВАЛИК Билл қариганда имтиҳон топшираман, деб бироз ҳаяжонланди. У кимнингдир тўралиги тутиб, кўзимдан ишкал чиқармаса майлийди, деб чўчирди. Машина рулини кўзойнак тақиб бошқаришни маъқул кўрмасди. Ҳайтовур ҳаммаси Биллнинг фойдасига ҳал бўлди. Машина бошқариш ҳуқуқини олиш учун мўлжалдаги 40 та саволга ёзма жавоб тайёрлади. Машинани бошқариш амалиётига келганда эса кекса шофёрга йўриқчи «тиға бериб юборади. Эрта тонгда эса ҳамтовоқлар бемалол эшикни очиб кириб келишади-да, дўқ-пўписани бошлашади ва айнан безавол меҳмонни «гаров»га олмоқчи бўлишади.

Туманда содир этилган яна бир оғир жиноят «иссиғида» фош қилинди. Инсонларнинг осойишталигини бузиб, бойлик орттириш илинжида бўлган нопок кимсалар албатта жазоланадилар.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси матбуот хизмати ходими.

Аломат гаплар

хирлик» қилиш йўлини тополмади. Шундай қилиб, унинг ҳужжатига имтиҳондан ўтди, деган муҳр босилди. Мутасаддилар Биллни машина рулига ўтирганлигининг 86 йиллиги, ёшининг 100 йиллиги билан муборакбод этдилар. Отахоннинг таъкидлашича, умр бўйи рулда ўтирса ҳам атиги бир маротаба йўл ҳаракати қоидасини бузгани учун жарима тўлаган экан. Лекин машинани сира кайф билан ҳайдамаган. Бор йўғи 2 миллион километр йўл босибди. Биллнинг ҳомийси - хотини Берта ҳам 84 ёшида машина бошқариш учун имтиҳон топширди.



Музқаймоқ мазали экан.

Спорт

Кураш

КУЧЛИЛАР ДАВРАСИДА

· МАНИЛАДА курашнинг грек-румо тури бўйича Осиё чемпионати ўтказилди.

20 мамлакатдан 200 полвон қатнашган мусобақадан вакилларимиз қуруқ қайтишмади. Армиячи Дмитрий Коршунов билан Баҳодир Қурбонов мусобақанинг кумуш медаль совриндорлари бўлишди. Яна бир вакилимиз Григорий Пуляев бронза медали олган бўлса, Ислом Кенжаев бешинчи ўрин билан қаноатланди. Энди полвонларимиз Тошкентда ўтказиладиган Марказий Осиё уйинларига ҳозирлик кўрадилар.

Футбол

ИККИНЧИ ДАВРА БОШИДА

· БУГУН олий лига жамоалари мамлакат миллий чемпионатининг ҳал қилувчи давраси ўйинларини бошлайдилар.

Маълумки, дастлабки даврани «Нефтчи» футболчилари 38 очко билан пешқадам сифатида якунлашган эди. «Нурафшон» 34 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб турибди. «Навбаҳор» ҳисобида 33 та очко бор. МҲСК жамоаси 31 та очко жамғарган. Пахтакорчилар эса 26 очко билан бешинчи ўринда боришмоқда. Қизиғи шундаки, «Пахтакор» ўйингоҳига мухлисларни чорлаш борасида ҳам бешинчи бўлди. Пахтакорчилар учрашувларини жами 108 минг ишқибоз томоша қилди. Бунинг 77500 нафари сафар учрашувларига тўғри келади. Ўйлаймизки, бир вақтлар футболимиз фахри бўлган «Пахтакор» ҳал қилувчи даврада ўзини ўнглаб, мухлисларни қувонтиришга ҳаракат қилади. Бугун эса мухлислар «Нефтчи» — «Машъал», «Нурафшон» — «Чирчиқ», «Навбаҳор» — «Атласчи», «Динамо» — «Пахтакор» учрашувларига қизиқиш билан қарамоқдалар.

ФИРИБГАР БОСҚИНЧИЛАР

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

«Олой» бозорига кираверишда Лена одамларни кузатиб узоқ турди. Бировдан сигарет сўраб олиб чекди ҳам. Бозор-учар қилиб юрган одамлар ўзлари билан ўзлари овора. Ҳеч ким унга эътибор бермасди.

Инсон боласи бошига нималар ёзилмайди, дейсиз. Айнан шу жума кунида ул-бул харид қилиш учун келган Танянинг ҳам бошига қора кунлар тушишини ким билибди.

Таня бозорга кираверишда мунғайиб турган Ленани кўрди-ю нимагадир унга раҳми келибми ё ўзига яқин тортибми, хуллас, ҳол-аҳвол сўраб кўнглини олган бўлди. Кейин бирга бозор қилишиб уни уйига олиб кетди. Қиттак-қиттак қилишди, кўрган-кечирганларини бир-бирларига ҳикоя қилишди. Улар бир кеча бирга бўлишди. Эрта тонгда эса... Таня яшаб турган хонадонда ақл бовар қилмайдиган ҳодиса юз берди.

Эшик аста очилиб икки барзанги йигит келдию дўқ-пўписа билан пул ва қимматбаҳо буюмлар талаб қила бошлади. Ўтакаси ёрилаёзган Таня тили калимага келмай қолди. Босқинчилар эса хонадон бекасининг таҳликага тушиб қолганидан фойдаланиб яна қўрқита кетишди:

— Тез-тез бўлинглар. Бақира кўрманглар. Овозларинг чиқса, ҳаммангларни сўйиб кетамиз.

Шу вақт босқинчилардан бири Танянинг уйида меҳмон бўлиб турган Ленанинг сочидан бураб олиб «Мабодо пул ва тилла буюмларни олиб чиқмасанглар, гаровга шу аёлни ўзимиз билан бирга опкетамиз»дейишди. Таня бечораҳол, янги танишига ачиниб тезда бор-будини чиқариб бера қолди. Сўнгра икки босқинчи уйдан яна гилам, телевизор, магнитафон ва радиоприёмникни қўлтиқлаб чиқиб кетишди.

Босқинчилар кўздан ғойиб бўлишгач, Таня дарҳол милицияга қўнғироқ қилиб ҳодисани тушунтирди. Юнусобод туман ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини, милиция подполковниги М. Раҳимов бошчилигидаги тезкор гуруҳ бир зумда жиноят содир этилган жойга етиб боришди. Хонадон кўздан кечирилди. Жабрланувчилар билан суҳбатлашилди. Босқинчилик жинояти содир этган шахсларнинг алоҳида белгилари ўрганилди.

Орадан икки ярим соат ўтди. Ҳали жиноятнинг изи йўқолмай, босқинчилик қилган икки шахс қўлга олинди ва ушбу қинғир иш тўлалигича фош этилди. Энг қизиғи шундаки, Лена босқинчиларнинг шериги бўлиб чиқди...

Воқеа аслида мана бундай режалаштирилган экан. Юнусобод туман ИИБ 2-милиция бўлими бошлиғи, милиция майори Қ. Накибов шундай шарҳлади:

— Муқаддам судланган икки шахс Лена билан ўзаро тил бириктириб олишади. Ўз навбатида у ҳам Танянинг хонадонига киргач кечки соат 21-22 ларда калитни шериклари-

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0286.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20. 30.

1-2 3 4 5 6.